

## Ақийда дарслари (150-дарс). Мукофот ёки жазо амалга қараб бўлади (биринчи мақола)



18:00 / 13.09.2021 5764

Бу мавзу қазои қадар ва банданинг амали мавзусига узвий боғлиқдир.

Қадария ва мўътазилаларга ўхшаб «Банда ўз амалини ўзи халқ қилади, Аллоҳ таолонинг бу ишга дахли йўқ», деганлар «Банданинг амалига яраша савоб ёки азоб бериш Аллоҳ таолога вожибдир», дейдилар.

Аҳли сунна ва жамоа мазҳабида эса «Аллоҳ таоло бандага унинг қилган яхшилиги ва тоати учун савоб берса, Ўз фазлидан беради. Агар Аллоҳ таоло бандани иқобга дучор қилса, Ўз адли ила дучор қилган бўлади», дейдилар.

Чунки борлиқдаги барча нарса, жумладан, савоб ва иқоб ҳам Аллоҳ таолонинг Ўз мулкидаги нарсадир. Аллоҳ таоло қилган ишидан сўралмас

Зотдир.

Қуръони Карим оятларида Аллоҳ таоло мўмин ва солиҳ бандаларига савоб бериши ҳақида такрор-такрор таъкидланади. Савоб банданинг бу дунёда қилган амали мукофотидир.

Аллоҳ таоло Оли Имрон сурасида:

نَسُخْ لِمَنْ لَمْ يَرْحَمْهُ اللَّهُ بِمَا كَفَرَ وَاللَّهُ لَمَّا يَشَاءُ يُغْفِرْ لِمَنْ يَشَاءُ وَاللَّهُ وَاسِعٌ عَلِيمٌ

**«Бас, Аллоҳ уларга бу дунё савобини ва охиратнинг гўзал савобини берди. Аллоҳ яхшилик қилувчиларни севадир»,** деган (148-оят).

Аллоҳ таоло Нисо сурасида:

أَعْيُنٌ مَسُومَةٌ لَّيْلًا نَافِثَةً وَأَعْيُنٌ مَسُومَةٌ نَجْمًا مَسُومًا وَأَعْيُنٌ مَسُومَةٌ نَجْمًا مَسُومًا وَأَعْيُنٌ مَسُومَةٌ نَجْمًا مَسُومًا

**«Ким дунё савобини истаса, бас, дунёнинг ҳам, охиратнинг ҳам савоби Аллоҳнинг ҳузуридадир»,** деган (134-оят).

Шунингдек, Қуръони Карим оятларида Аллоҳ таоло гуноҳкор бандаларига иқоб бериши ҳақида такрор-такрор таъкидланади. Иқоб банданинг бу дунёда қилган гуноҳларининг жазосидир.

Аллоҳ таоло Сод сурасида:

بِأَقْبَعِ قَحَّحٍ فَلَئِنْ لَسْتُمْ لَبَّيْكُمْ إِلَّا كُنْتُمْ لِنَجْمٍ

**«Барчалари, албатта, расулларни ёлғончига чиқардилар. Бас, иқобим ҳақ бўлди»,** деган (14-оят).

Аллоҳ таоло Фуссилат сурасида:

مِمَّنْ لَبَّيْكُمْ وَأَقْبَعِ قَحَّحٍ فَلَئِنْ لَسْتُمْ لَبَّيْكُمْ إِلَّا كُنْتُمْ لِنَجْمٍ

**«Албатта, Роббинг мағфират эгасидир ва аламли азоб эгасидир»,** деган (43-оят).

Мукофот ёки жазо амалга қараб бўлади.

Қуръони Карим оятларини ва Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадиси шарифларини тааммул қиладиган бўлсак, савоб ҳам, иқоб ҳам амалга қараб берилиши умумий қоида эканини кўраемиз.



**жаннатул маъво бор. Аммо фосиқлик қилганлар эса, бас, уларнинг жойлари оловдир. Ҳар сафар ундан чиқмоқни ирода қилсалар, унга қайтарилурлар ва уларга: «Ўзингиз ёлғонга чиқарган оловнинг азобини тотинг», дейилур», деган (18-20-оятлар).**

Шунингдек, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадиси шарифларида ҳам кишиларга савоб ёки иқоб бериш, уларни жаннат ёки дўзахга киритиш амалларга боғлаб қўйилганини кўрамиз.

*(Давоми бор)*

**«Сунний ақийдалар» китоби асосида тайёрланди**